



Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 19 февраль • сешанба • № 25 (4154)

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Қорақалпоғистон Республикаси

Бор бўл, оқибат!

**Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси асосида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кам таъминланган оилаларга ижтимоий кўмак кўрсатилмоқда.**

Қашқадарь вилояти

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ҳузур туманида тўртта уй эҳтиёжманд оилаларга топширилди.

Тантанали маросимда Қашқадарь вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов, Ҳузур тумани ҳокими Саъдулла Бобоқулов қатнашиб, янги уй эгаларини қутлашди.

— Икки нафар фарзандим бор, — дейди Ойгул Чоршанбиева. — Уйимиз йўқлиги учун «Обод» маҳалласидаги марказий қозонхонада яшаб келаётганим. Қийналганимдан ҳатто қизимни уч йил «Меҳрибонлик уйи»га беришга мажбур бўлгандим. Касаба уюшма ва маҳалла фаоллари келиб, аҳолимини ўрганишди. Ишсиз эдим, уларнинг ёрдами билан туман ободонлаштириш бўлимига ишга кирдим. Мана, энди бизнинг ҳам ўз уйимиз бор.

— Яхшигина ишим бор эди, — дейди яна бир янги уй соҳибиди, 1-гурӯх ногирони Шерзод Жўраев. — Муҳандис бўлиб ишлардим. Кўзимда «қон босими» хасталиги пайдо бўлиб, беш ой шифохонада ётишга мажбур бўлдим. Охир оқибат ногирон бўлиб қолдим. Елғиз, уйсиз-жойсиз, ижарама-ижара кўчиб, яшай бошладим. Шундай кунларда маҳалла ва касаба уюшма вакиллари келиб, ҳол-аҳвол сўради. Дардимни тинглаб, юзага келган вазиятни ҳолис баҳолашди. Уйга эҳтиёжи бор кам таъминланган фуқаролар рўйхатида киргизишди. Шу тариқа янги уйга кўчиб ўтдим. Зулматли ҳаётимга зиё киргандек бўлди.

— 2018 йилда 25 нафар кам таъминланган фуқаронинг уйи таъмирлаб берилганди. Бугун эса тўрт фуқарога янги уйларнинг қалити топширилди, — деди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ҳузур тумани кенгаши раиси Қўли Нормуродов. — Уй соҳибларининг миннатдорлигини кўриб, яхшилик беиз кетмаслигига яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Ота-боболаримиз бежизга «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг», дейишмаган. Янги, намунавий типдаги шинам уйлар бугун ўзгача файзга бурқанди. Юртимизда бахтиёр оилалар кўпайди. Нуронийларимиз «Шу уйларда ҳам катта-катта тўйлар бўлсин!», дея дуолар қилишди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

## Уйларга кўчган шодлик

Хусусан, Тахтакўпир туманида уй-жойга муҳтожлиги бор 5 нафар юртдошимизга янги уйлар топширилди.

Янги уй қалитларини Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Улуғбек Жалменов топширди.

— Касаба уюшмалари кўмаги

билан янги, шинам уй-жойга эга бўлдик, — дейди Насиба Шамшетова. — Эл-улус гамини ўйлаб, хайрли ишларда бош-қош бўлаётган фаоллар хизматидан мамнунмиз.

Тахтакўпир туманида мазкур қарор ижроси юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, айна вақтгача

олис ҳудудларда яшаётган 106 та хонадонга газ плитаси ва баллонлари етказиб берилди. Ёрдамтаб орти нафар тахтакўпирлик инсон учун тиббий кўмак берилди. 25 хонадонда таъмирлаш ишлари сифатли ва вақтида бажарилди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири



### КУН НАФАСИ

«Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спорти янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори имзоланди.

uz.uz

«Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uz.uz

Ҳукумат қарори билан Алишер Султонов Бош вазирнинг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасини ҳам бажарадиган бўлди.

kun.uz

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурда Таржимонлар бюроси ташкил этилди.

kun.uz

Тошкент шаҳрида Ақфа университетини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинди. Университет 2019 – 2020 ўқув йилида 200 нафар талабани қабул қилади.

kun.uz

Вазирлар Маҳкамасининг «Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

«Хўқўқий ахборот канали»

Доха шаҳрида Ўзбекистон – Қатар муносабатларининг шартнома-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва унинг инвен-

таризацияси бўйича икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди.

ТИВ Матбуот хизмати

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Мюнхен шаҳрида (Германия) Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг ташқи ишлар давлат вазири Алан Дункан билан учрашди.

ТИВ Матбуот хизмати

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети профессорлари фермер хўжаликлари етиштираётган ўсимликлар, касаллик ва зараркунандалар хронологияси ҳақидаги маълумотлар базасини ўз ичига олган мобил иловани ишлаб чиқди.

kun.uz

Мудофаа вазирлиги «Муборак» дала ўқув майдонида ташкил этган машғулотларда Россия Федерациясининг ҳарбийлари ҳам иштирок этди.

Мудофаа вазирлиги ахборот хизмати

Чебарқул гарнизонидаги танк дивизииси базасида ҳарбий стажировкадан ўтиш учун Челябинскага Ўзбекистондан 27 нафар зобит етиб келди.

Россия Марказий ҳарбий округининг матбуот хизмати

«Тошкент-Марказий» ва «Тошкент-Жанубий» темир йўл вокзалларида тезлиги 100 мб/с бўлган бегул интернет Wi-Fi хизмати йўлга қўйилди. Ушбу хизмат босқичма-босқич амалга оширилиб, келгусида юртимиздаги барча вокзалларда жорий этилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 25 февралдан бошлаб қиймати 100000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиси муомалага чиқарилиши тўғрисида маълум қилади.

Қиймати 100000 сўм бўлган банкнотнинг мавзуси (тематикаси) буюк ўзбек олими Мирзо Улуғбек фаолияти ва унинг астрономия фанидаги ютуқларига бағишланган.

Банкнотнинг ўлчамлари 144 х 78 мм. бўлиб, махсус ўймоланган қоғозда чоп этилган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги оқ овал қисмида Мирзо Улуғбек сурати кўринишидаги локал сув белгиси ва 100000 рақами кўринишида филигран сув белгиси жойлашган. Банкнотнинг ўнг тарафидаги қоғоз қатламида кенлиги 5 мм. 3D эффектга эга бўлган, юқори ҳимояли, шўнғувчи, банкнотнинг устки қатламга чиқувчи ҳимоя ипи жойлаштирилган. Ёруғлик манбаида ип тўлиқ кўринишга эга бўлиб, банкнотнинг тасвир қиялиқ кўринишида илғай тасвирларда силжиш эффекти пайдо бўлади. Олд ва орқа томонларининг фони асосан оч жигарранг ва ҳаво рангларида иборат.

Банкнот олд томонининг чап қисмида Мирзо Улуғбек ҳайкали тасвирланган. Банкнотнинг юқори қисмининг чап тарафида ранги ўзгарувчан 100000 рақами жойлаштирилган бўлиб, маълум қиялиқ бурчагида қаралганда унинг ранги қирмизи рангдан жигаррангга ўзгаради.

Банкнот қўйи қисмининг чап тара-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 100000 сўм бўлган пул белгисини муомалага чиқариш тўғрисида



турли ўлчамдаги саккиз қирралли юлдузчалар кўринишида жойлашган. Уларнинг ранги ҳам маълум қиялиқда ўзгарувчан хусусиятга эга. Орбиталар доираси периметри атрофида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» сўз бирикмаси кўринишида такрорланувчи микроматн мавжуд.

Банкнот кўйи қисмининг марказида «BIR YUZ MING SO'M» матни жойлашган бўлиб, унинг остида «O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART» ёзуви акс этган.

Банкнот пастки ўнг бурчагидаги 100000 рақами икки хил, яъни жигарранг ва яшил рангда аниқ чегараланган ҳолда босилган. Банкнотнинг лотин алифбосидаги икки ҳарфли серияси ва етти хонали сондан иборат рақами икки жойда босилган бўлиб, қўйи қисмининг ўнг то-

нидаги буюк ферромагнит, чап қисмидаги овал шаклдаги майдонда ҳам локал рангли майдондаги люминесценс хусусиятига эга.

Банкнот орқа томонининг чап қисмидаги овал шаклдаги майдонда ҳам локал сувли белгисини кўриш имконияти мавжуд. Чап томонининг юқори бурчагида гишоқ розетка майдонида банкнот муомалага чиқарилган йил кўрсатилган.

Банкнотнинг марказида жигаррангда Мирзо Улуғбек обсерваторияси тасвир-

Янги банкнот

ланган ва унинг устида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» матни туширилган.

Банкнотнинг қўйи қисмида кўк рангда 100000 рақами, «BIR YUZ MING SO'M» ёзуви ҳамда уларнинг тагида «O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNIGA MUVOFIQ TAQIB QILINADI» матни жойлашган. Мазкур тасвирлар ва банкнотнинг юқори қисми ўнг бурчагидаги 100000 рақами металлграф босма усулида (бўртмалли сезиладиган) бажарилган. Банкнотнинг ўнг томонида кўш ёйли квадрант астрономик асбоб тасвирланган.

Банкнот марказида Ўзбекистон Республикаси харитасининг чегараси акс эттирилган бўлиб, унда буюк олим Мирзо Улуғбек ўз илмий фаолиятини олиб борган Самарқанд шаҳрининг жойлашган ўрни белгиланган. Хаританинг фони улусқиз равишда такрорланувчи «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» микроматни билан тўлдирилган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 100000 сўм бўлган пул белгиси, айна пайтада муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

Фаргона вилояти

«Бешариқтекстил» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси ва «Бешариқтўқимачи» масъулияти чекланган жамиятида 2016 – 2018 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Йиғилиш

Янгиланган имтиёзлар

Йиғилишда корхона иш берувчилари ва касба уюшма кўмитаси раисларининг ходимлар учун яратилган қулайликлар, қўшимча имтиёз ва шарт-шароитлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, сиҳаттоҳларда дам олдириш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароити яратиш, спорт-соғломлаштириш ҳамда маданий-маърифий тадбирлар уюштириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Жамоа шартномасининг бажарилишини назорат қилиб борувчи комиссия раислари йиғилиш қатнашчиларини текширув далолатномалари билан таништиришди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улугбек Муҳамедов корхоналарда янги қабул қилинаётган жамоа шартномаларида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларга эътиборни кучайтириш, иш ўринларининг хавфсизлиги, ишчи ва

хизматчиларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни соғломлаштириш масалаларини акс эттириш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

Йиғилишда жамоа шартномасининг 2018 йилда бажарилиши қониқарли деб топилди ва 2019 – 2021 йиллар учун жамоа шартномаси бир қанча қўшимча имтиёзлар киритилган ҳолда бир овоздан маъқулланди.

«Куватекстил» қўшма корхонаси-

даги тадбирда ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар ҳамда яқиндан танишилди. Корхона касба уюшма кўмитасига Устав талаблари асосида амалий ёрдам кўрсатилди.

Муқаддас АБДУЛЛАЕВА,

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Фаргона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



ҲАМКАСБЛАР ДАВРАСИДА

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида қишлоқ ҳўжалигида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизликни таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2018 – 2020 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури ижросини таъминлашга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинарда, жумладан, меҳнатда жабрланган, касб касаллигига чалинган ходимлар ва шу каби ҳолатларда меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасини белгилаш, ҳақ тулаш ҳамда зарарни қоплаш йўл-йўриқлари хусусида тушунтириш берилди.

ЎҚИТУВЧИЛАР САЁХАТДА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Олтиариқ тумани кенгаши ташаббуси билан таълим муассасаларида самарали меҳнат қилиб келаётган 36 нафар ўқитувчи ҳамда фахрий устозларнинг пойтахтимизга саёҳати ташкил этилди.

Саёҳатчилар Тошкент телеминораси, «Шаҳидлар хотираси» хиёбони, Темурийлар тарихи давлат музейи, шунингдек, мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримов хотира музейида бўлишди.

САРҲИСОБ

Андижон вилояти «Сувоқава» ДУҚДА жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан меҳнат жамоасининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий кафолатларини таъминлаш, улар ўрта-сида соғлом турмуш тарзи ҳамда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни тарғиб қилиш, ишловчиларнинг саломатлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш каби йўналишларда ўтган йилда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Конференция доирасида 2019 – 2021 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокама қилинди ва маъқулланди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Сурхондарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Термиз давлат университети талабалари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Ёшларнинг касба уюшмалари билан ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ҳамда бирлашмада амалга оширилаётган ишлар ва янгиликлар борасида батафсил ахборот берилди.

Учрашувда 500 нафардан ортиқ талаба ёшлар иштирок этди.

ХОДИМЛАРГА НАФ КЕЛТИРСИН

Наманган вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Ўзтрансгаз» АЖ Наманган вилояти ҳудудий газ таъминоти, «Намангандонмаҳсулотлари» АЖ, «Наманган кўприқдан фойдаланиш» УК ҳамда «Дўстлик-А» МЧЖ касба уюшма кўмиталарига амалий ёрдам кўрсатди.

Корхоналарда ишчиларга яратилаётган шарт-шароитлар, жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлар, сиҳаттоҳлар, ходимларнинг фарзандлари учун оромгоҳларга йўланмалар олиш тартиби, меҳнатни муҳофазасида қилиш борасида амалга оширилган ишлар қўлами ва самараси муносиб баҳоланди. Касбақўмларга фаолиятта доир тавсиялар берилди.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Хоразм вилояти

Эртага ҳам кун бор...

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ўтказган назорат тадбирларида Урганч марказий буюм бозори ҳудудида фуқаро З.Раҳимова ва Ш.Абдуқодированинг савдо фаолияти билан ноқонуний шуғулланаётгани ўз тасдиғини топди.

Кўрқиб-писиб эмас, кўкрак кериб ишланг

Пировардида, ҳолислар иштирокида баённома расмийлаштирилиб, қарийб 52 млн. сўмлик 23 дона эркаклар пальтоси, 7 дона эркаклар чарм куртаси ҳамда 591 метр енгил саноят маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.


Кўлаб тарихот-ташвиқот тадбирлари ўтказилаётгани ва тадбиркорлик фаолияти кўлаб-қувватланаётганига қарамасдан, ноқонуний фаолият кўрсатишини маъқул топган инсонлар, афсуски, ҳамон учраб турибди. Ваҳоланки, ҳар кун назорат органлари ходимлари келиб қолишидан ҳадиксираб ишлаш соғлиқни ҳам емириши бор ҳақиқат-ку! Шундай экан, барча мажбуриятларни бажариб қўйиб, кейин эмин-эркин савдо қилганга не етсин.

Санжар ХўЖАЕВ, Хоразм вилояти ДСБ давлат солиқ катта инспектори

Қашқадарё вилояти

Ижтимоий шериклик – масъулият демак!

Жамоа шартномаси – амалда!



Жамоа шартномасига тўлиқ риоя қилинган жойда ички муҳит ҳам шаффоф бўлади. Иш берувчи зиммасидаги мажбуриятларини, касба уюшма кўмитаси ваколати доирасидаги вазифаларни бажарса, шу нарса аниқки, ўз-ўзидан ходимлар ҳам қўйилган талаб ва меъёрларни мукамал бажаришга ҳаракат қилади. Масъулиятни теранроқ англайди.

минг сўм миқдорида моддий ёрдам, 633 минг сўм миқдорида рағбатлантириш пули берди. 11 нафар ишчи-ҳодимга яқин қариндошлари вафот этганда, 27 нафар ходимга тўй маросимларини ўтказиши учун иш ҳақи сақланган ҳолда уч кунлик таътил белгиланди.

Ходимларнинг 50 нафар фарзанди Шаҳрисабз туманидаги бола-лар оромгоҳида дам олдирилди. 50 нафар ходим Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди.

Бундан ташқари, ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларига республиканинг турли сиҳатгоҳларига йўланмалар ажратилди. Жумладан, Улуғ Комилова ва Зумрад Ризаевага кам таъминланган оила

вакиллари бўлгани учун «Умид гулшани» ва «Бўстон» санаторийларига бепул йўланма тақдим этилди.

Касба уюшмалари кўмагида ходимнинг яқин қариндошларини ҳам соғломлаштириш йўлга қўйилгани кўпчилик учун айни муддао бўлди. Жумладан, ландшафт бўйича дизайнер Юсуф Жумагулов ва ташқи ёриш участкаси, электриги, Беҳзод Авазов отасига, автотранспортдан фойдаланиш участкаси ҳайдовчисни Шомурод Жўраев эса онасига йўланма тақдим этиб, нурунийларнинг дуосини олишди.

Бошқарманинг 35 нафар ходими тармоқ касба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши ва вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган оилавий спорт мусобақалари ҳамда футбол ва волейбол, шахмат-шашка турнирларида муваффақиятли қатнашиб, муносиба тақдирланди.

Фахриддин ЭШНАЗАРОВ,

Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси касба уюшма кўмитаси раиси

Ҳикмат

Инсонларни китоб каби анланг. Муқовасига қараб алданманг, ичини ўқиб чиққачина моҳиятини биларсиз...

Жалолиддин РУМИЙ

Тошкент вилояти

Ўтган йил охирида бир қатор фаоллар қаторида «Кўёшли» оромгоҳи директори Йўлчибой Раҳимжонов ҳам Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди. Албатта, бу фидойиликка берилган муносиб баҳодир.

– Инсон ҳаёти унутилмас давлар эвазига сайқал топади, – дейди Йўлчибой Раҳимжонов. – «Эҳтиром» нишони билан тақдирланиши мен учун ана шундай қутилмаган воқеа бўлди. Беихтиёр ўтган йиллар кўз олдимда гавдаланди.

Касба уюшмасидаги фаолиятим 1991 йилда бошланган. Шу йили Тошкентдаги йирик корхона – «Алгоритм» заводида касба уюшма кўмитаси раиси ҳамда завод қошидаги шу номли бола-

Оромгоҳда фахрийлар жамоалари ўртасида «Пахтакор – 79» аънъанавий хотира турнирига асос солинди. Аста-секин турнир халқаро миқёсда ўта бошлади. Ҳатто АКШ, Исроил, Россия, Германия-

Хотира турнирлари чоғида, айниқса, очилиш ва ёпилиш маросимларида шонли жамоамиз – «Пахтакор – 79» ҳақидаги театрлаштирилган сахна кўринишлари тайёрланар, бу ёшларда самога со-

Бу ерда бўш вақтнинг ўзи йўқ. Турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, китобхонлик викториналаридан ташқари тоғлар бағрига саёҳатлар уюштириш одат тусига кирган.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ерда бир неча йилдан буён «Билимлар беллашуви»га ғолиб ва совриндор бўлган ўғил-қизлар дам олдирилмоқда. Ёш билимдонларнинг ҳар бири бир олам. Улар билан ишлаш янада завқли.

Тартиб-интизом бизда энг устувор масала. Янги ёғлар, гулзорлар ташкил этишга эътибор катта. Болалар табиатни севмоғи лозим. Экотуризмни ривожлан-

рок этган темирйўлчиларнинг 20 нафар фарзанди касба уюшмалари ҳисобидан соғломлаштирилди.

Оромгоҳимиз интеллектуал маскан бўлиши билан бирга, спорт-соғломлаштириш машғулотларига қулай, барча шароитларга эга бўлгани учун «Пахтакор» футбол академияси, шахмат ва баскетбол бўйича мамлакат ўсмирлар терма жамоалари аъзолари бизда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишди.

Футбол бўйича аънъанавий «Пахтакор – 79» мусобақаси, волейбол бўйича Вера Дунонова хотира турнири, қолаверса, Чимён тоғлари бағрида жойлашган оромгоҳлар жамоалари ўртасида спарта-

Касба уюшма фидойиси



«Кўёшли»нинг

қуёш қалббли раҳбари



лар оромгоҳига бошлиқ бўлиб ишга киришдим.

20 йил фаолиятим «Алгоритм» билан боғлиқ ҳолда кечди. Ўзим спортга қизиқганим учун оддий оромгоҳи спорт-соғломлаштириш масканига айлантиришни мақсад қилдим ва ахил-иноқ жамоа кўмагида буни баҳоли қудрат амалга оширдик.

нинг юртимиздаги элчихоналари футбол жамоалари, «Пахтакор», «Бунёдкор» каби донгдор клубларнинг фахрийлари ғолиблик учун майдонга чиқишди.

60 ёш ва 70 ёшдан ошган спортсеварларнинг майдонда шижоат билан тўп суриши эса оромгоҳдаги юзлаб болаларнинг қалбида спортга қизиқиш ортисига катта туртки бўлгани аниқ.

чилган юлдузларимиз ҳақида унутилмас таассуротлар уйғотиб, покиза қалбларида аждодларга муносиб ворис бўлиш туйғусини камол топтиради.

2011 йилда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг «Кўёшли» оромгоҳида бошлиқ бўлиб иш бошладим. Гўзал тоғлар бағрида, мафтункор табиат қўйнида, энг асосийси, инсон саломатлиги учун жуда фойдали иқлим шароитида, яъни денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда жойлашган бу оромгоҳнинг таърифи сўз ожиз. Сузиш бассейналари, спорт майдончалари, барча шароитга эга ётоқхоналар...

Касба уюшмалари ёш авлодни муносиб дам олдириш учун барча шароитларни яратди. «Кўёшли» қурилиш-таъминлаш ишларидан сўнг республикадаги энг кўркем оромгоҳга айланди.

тириш орқали бунга эришиш мумкин, деб ўйлайман.

Оромгоҳда фитобар ташкил этилган. Табиатни яхши кўраман. Тоғлар бағридаги оромгоҳларда қарийб 30 йилдан буён ишлаётганим учун шифобахш гиёҳлар бўйича салкам мутахассис даражасига етдим, десам, мақтаншига йўйманг. Қолаверса, малакали шифокорларимиз бу борада ўз ёрдамини аяшмайди.

Дарвоқе, ўтган йили «Кўёшли»да 450 нафар «Билимлар беллашуви» ғолиби дам олди. Яна турли тармоқларда меҳнат қиладиган ишчи-ҳодимларнинг 1900 нафар фарзанди мароқли хордиқ чиқарди. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги 23- ва 30-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, хизмат вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг 10 нафар, Қамчиқ доғони қурилишида фаол ишти-

киада баҳслари ташкил этилди.

Футбол турнирида «Кўёшли-Алгоритм» фахрийлар жамоаси, болалар спартакиадасида эса «Кўёшли»нинг спортсевар ўғил-қизлари ғолиб бўлишди.

Кези келганда айтиб ўтмасам бўлмас. Ўзим тўп сурадиган ва раҳбарлик қиладиган «Кўёшли-Алгоритм» фахрийлар футбол клуби айни пайтда Тошкент шаҳар чемпионатида қатнашади ва жамоамиз ютуқларида ҳам «Кўёшли»нинг ҳиссаси катта.

«Кўёшли»да йил давомида касба уюшмалари фаоллари, ёш мутахассислар, ўз касбининг моҳир эгалари иштирокида қатор тадбирлар ўтдики, бу ҳам зиммамизга қўшимча масъулият юклайди.

Ҳеч кимга сир эмаски, ишлаб турган объект талаб даражасида сақлансагина

ривожланади. Шу боисдан, ёзги соғломлаштириш мавсуми яқунланган, оромгоҳ бўш турмайди. Ишчи-ҳодимларни дам олдиради. Спорт жамоалари йиғинлар ўтказишди.

Хуллас, оромгоҳимизда ҳаёт бир зум тўхтамайди.

Бир сўз билан айтганда, бахтли инсонман. Ишимни яхши кўраман, оила аъзоларим, фарзандларим соғ-саломат. Барчаси ўзлари танлаган соҳаларда меҳнат қилмоқда.

Тўрт нафар набирам бор. Дилбандларимни эркалаб туриб, барча чарчоқларни унутаман. Уларнинг эркаликлари ва шўхликларидан қалбим қувончга, янги орзу ва умидларга тўлайди.


Акмал АБДИЕВ сўхбатлашди

Мушоҳада

Эълонлар

# ФАЙЛАСУФ КИМ — ОЛИММИ ЁКИ ДОНИШМАНД?

Файласуфлар вақти-вақти билан «Фалсафа нима — илм соҳасими ёки ҳаёт ҳақида донишмандлик, у керакми, керак бўлса, қандай бўлиши лозим?» деган саволларни кун тартибига қўйиб, ақл эгаларини фикр-мушоҳадага ундаб келади. Жамият янги босқичга ўтаётганида бундай саволлар кескинлашиши мумкин, ҳатто баъзилар «фалсафа керак эмас, чунки ҳар қандай фикр ёки фикрсизлик ҳам фалсафа бўлиши мумкин», деган хулосани ҳам илгари суради. Дарҳақиқат, ҳар қандай фикрдан фалсафа топса бўлади, фикрсизлик эса ҳаёт тарзи сифатида, инсон қалбига рефлексиядан мурожаат этишга ундайди. Яъни, «Фикрлаётган, демак, мавжуддир» деган Декарт қандай асосли фикрни айтган бўлса, мутлақ фикрсизлик ҳам йўқ. Уни Шри Ауробиндо бундай изоҳлайди: «онг ости донишмандликка тўла, уни фақат мистик англаш мумкин»



рига бўйсундирилади. Бундан ким ютади? Илмий даражага даъвогар! Аслида, унинг талқинлари ўқувчи қалбига, маънавиятига нимадир бериши керак эди-ку! Минг афсуски, унинг илмий талқинлари диссертациялар тарзида ОАК тоқчаларида чанг босиб, қолиб кетади.

Фалсафа ҳаёт кўйиндан эркин униб чиққанида ва яна буюк маънавий куч, ўлмас ғоя, яшаш усули сифатида ҳаётга қайтиб келганидагина ўз вазифини тўлиқ адо этади. Фалсафа — аччиқ ҳақиқатга муҳтож, у аччиқ ҳақиқатни айтиб, ақлни, руҳни, қалбни қувватлантиради. У аччиқ ҳақиқатни мутлақлаштиришдан, ҳатто бу борада адашишдан қўрқмайди. Ҳақиқат излаш заҳмати аччиқ, шунинг учун у «ширин ҳақиқат»ни эмас, аччиқ ҳақиқатни ёқтиради. «Шири ҳақиқат» тилғламачилар услуби эканини фалсафа билади. Шу сабабли у аччиқ ҳақиқатни излашга меҳр қўйган.

Илмий фалсафа «даҳо» академиклар ва профессорларга сажда қилади, уларнинг деганларини охириги ютуқ, чўқинадиган ҳақиқат, деб билади. Донишмандлик учун эса илмий унвон, авторитетлар керак эмас. Реал ҳаёт, унинг муаммолари, инсон қалбига яқин мавзулар илмий унвондир. Дадил фикрлаш, ҳаётни борлигича ўрганишга интилиш, ҳаётдан олдинда юриш, қалб, руҳни юксалтириш орқали инсон умрига маъно-мазмун бериш донишмандлар таянадиган усуллар ҳисобланади. Илм буларни онда-сонда эса олади, ёдга олмаслиги ҳам мумкин, бунинг учун ҳеч қандай зарар кўрмайди, афсусланмайди; донишмандлик учун уларни унуттириш — ҳалокат, у ҳаёт ҳақида эркин мушоҳада юриштидан тўхтаган заҳоти фожиани бартафат этиш йўллари излашга тушади. Бунинг учун у Мансур Халлоҷ каби тилкални, дорга осилишга шай. Донишмандлар ҳаёт ғоялари, эътиқоди мудоом ҳавф остида эканини билади, улар даврдан, жамиятдан қувилтиришдан қўрқмайди. Илм аҳли эса бу фожиага бардош беролмайди, у авторитетини, илмий даражасини сақлаб қолиш учун ҳар қандай талаба мослашишга мажбур. Мана, донишманд-файласуф билан илмсевар-файласуф ўртасидаги фарқлар намага!

Илмий фалсафа ҳаммани файласуф деб билади. К.Поппер айтганидек, «Ҳамма файласуф». Донишмандлик эса бундай деяр олмайди, у эътиқод талаб этади. Муршид тутган эътиқод шунинг учун ҳам мутасаввуфлар қалб эътиқодини ҳар нарсдан юқори қўйишган. Аслида, тасаввуф эътиқодлар ҳақидаги таълим-тажриба, унда шахсий эътиқодлар ўзаро баҳс олиб боради, Илмий фалсафада ҳам баҳс бор, бироқ унда шахсий эътиқод учун зиндон, дорга бориш йўқ, ҳаммаси манфаат, шон-шараф ва бойлик топишга қурилган. Илмсевар файласуф зоҳидлик, нафсни тийиш; фидойилик нима эканини билмайди. У барча каби шод-хурсанд яшашни истайди, шундай ҳаёт тарзини ҳимоя қилади.

Илмий фалсафани рад этиш, уни нозарур нарса сифатида меросдан чиқариб ташлаш мумкин эмас. Унда инсон ва ҳаёт ҳақида бетакрор фикрлар, ғоялар, борлиқдаги зиддиятларни тўғри англашга ёрдам берадиган илмий-назарий концепциялар мавжуд. Бироқ унинг натижаларини утилитар, сийқа талқин қилиш донишмандликка ҳам зиён етказишини билиб қўйишимиз лозим. Ҳаммани донишманд-файласуф қилиш мушкул, бироқ ҳаммани фикрловчи ақл эгаси қилиш мумкин; ҳар ким Мансур Халлоҷ бўлмайди, аммо ҳаммаям Бертран Фассел бўлиши мумкин. Шундай экан, олимликни донишмандлик, донишмандликни олимлик билан уйғунлаштириб яшашни қисматимиз деб билиш тўғрироқ бўлади.

## Ҳикмат

**Биз шунчаки жавоб беролмайдиган саволлар бор, шукрки табиатнинг ўзи жавоб беришдек маънавий бўйнимиздан олди.**

Франц КАФКА

Виктор АЛИМАСОВ, фалсафа фанлари доктори

## «Ishonch»га жавоб берадилар

# Аёллар ҳуқуқи кенгайди

Газетанинг шу йил 12 январда чоп этилган «Ишловчи аёллар манфаати: улар тўлиқ қамраб олинмоқдами?» сарлавҳали мақолага Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси куйидагича муносабат билдирди (Бу матбуотга бўлган ижобий қараш намунаси экани баробарида кўмитанинг хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини ҳам ўзида акс эттириши билан эътиборга молик):

«Мақолада ёритилган мавзу бўйича (ишловчи аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадида) Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси келусида тегишли қонун ҳужжатлари, жумладан, Меҳнат кодексининг 116- ва 228-1-моддаларига ўзгартириш киритиш, яъни тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаётган аёлларга ҳам иш вақтининг қисқартирилган муддатини жорий этиш тўғрисида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ўз таклифларини юбориш режалаштирди».

## Ишловчи аёллар манфаати

улар тўлиқ қамраб олинмоқдами?

«Ишловчи аёллар манфаати: улар тўлиқ қамраб олинмоқдами?» сарлавҳали мақолага Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси куйидагича муносабат билдирди (Бу матбуотга бўлган ижобий қараш намунаси экани баробарида кўмитанинг хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини ҳам ўзида акс эттириши билан эътиборга молик):

«Мақолада ёритилган мавзу бўйича (ишловчи аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадида) Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси келусида тегишли қонун ҳужжатлари, жумладан, Меҳнат кодексининг 116- ва 228-1-моддаларига ўзгартириш киритиш, яъни тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаётган аёлларга ҳам иш вақтининг қисқартирилган муддатини жорий этиш тўғрисида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ўз таклифларини юбориш режалаштирди».

Раис ўринбосари

Г. МАЪРУФОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № 2019-06

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 19 февраль

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги муддат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўн

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп қаватли (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтилган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрлан-

ган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритиш-

ларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қуйи-

шимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент вилояти  
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.  
Телефон: (0 371) 241-15-37. Факс: (0 371) 241-15-26

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ массивидаги, \_\_\_\_\_ лот \_\_\_\_\_ та яққа тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчи-

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнги муддатигача.

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириги кун-

нида тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Тошкент вилояти  
Банк: «Азия Альянс Банк» АТБнинг Олмасор филиали.  
ИНН: 300 017 720  
х/р: 2021 0000 5045 4602 7001

Тошкент вилояти ҳокимияти  
Манзил: Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.  
Телефон: (71) 232-80-47. Факс: (71) 232-80-42

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м²	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м²
0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар	150 000 000	120 000 000	30	50	120
Тўрт қаватли кўп қаватли (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440

## ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар			бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.)	Таклифларни топширишининг охириги муддати
				сони	хонадон	уй рақами		
	ЖАМИ		136	4	96	40		
	Тошкент вилояти		136	4	96	40		
498	Бекобод	Янгибозор	24	1	24	1	2019 йил 25 март 11:00	
499	Бекобод	Янгибозор	24	1	24	2	2019 йил 25 март 11:00	
500	Бўка	Ҳожиметов	10			10	2019 йил 25 март 11:30	
501	Зангиота	Боғшамол	10			10	2019 йил 25 март 11:30	
502	Ўртачирчиқ	Гулзор	10			10	2019 йил 25 март 12:00	
503	Ўртачирчиқ	Гулзор	10			10	2019 йил 25 март 12:00	
504	Ўртачирчиқ	Тинчлик	24	1	24	1	2019 йил 25 март 12:00	
505	Янгийўл	Гулбаҳор	24	1	24	1	2019 йил 25 март 12:30	

## Тузатиш

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 15 январдаги №7-8 (4137) сонида «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги «2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий

лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари №2019-01»даги Бухоро вилоятидаги таклифларни топширишни охириги муддати устунидаги «2019 йил 14 февраль сўзлари», «2019 йил

22 февраль» деб тузатиб ўқилсин. Туманларнинг таклифларни топшириш соатлари эълонда кўрсатилганидек ўзгармасдан қолади.

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

